

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

К. Ғаниев, Б. Расулов

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ**

*Бакалавриат таълим йўналишларида таълим олаётган
талабалар учун*

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



С А М А Р Қ А Н Д - 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

СамДАҚИ Илмий–услубий кенгашида
кўриб чиқилиб нашрга тавсия этилган.
(____-сонли баённома)
« ____ » _____ 2013

“Тасдиқлайман”
СамДАҚИ ўқув ишлари
проректори _____ Қўлдашев А.Т
« ____ » _____ 2013

К. Ғаниев, Б. Расулов

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ**

(Бакалавриат йўналишларида таълим олаётган
талабалар учун услубий кўрсатма)

С А М А Р Қ А Н Д - 2013

Ғаниев К., Расулов Б. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш. Услубий кўрсатма. Самарқанд.: СамДАҚИ, 2013йил. 40 бет.

Мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2011 йил 17 сентябрда тажриба-синов сифатида тасдиқланган “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг намунавий дастури асосида тайёрланган бўлиб, маъруза матни, назорат саволлари, тест саволлари ва мавзуга оид слайдлардан иборат.

Услубий кўрсатма бакалавриат босқичида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган.

Тақризчи:

Кубаев Б - СамДАҚИ Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.

Услубий кўрсатма Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура - қурилиш институти Ўзбекистон тарихи кафедраси йиғилишида (2013 йил 30 апрел, №17-баённома) маъқулланган ва 2013 йил 28 майда (баённома №) институт илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

К И Р И Ш

Ўзбекистонда кенг қамровли демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва одил фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уларни амалга оширишда И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

И.А.Каримов маърузасида амалга оширилган ислохотлар натижалари олти устувор йўналишларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинди. Ана шу устувор йўналишларнинг “Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш” деб номланган биринчи устувор йўналишида белгиланган вазифа ва амалий таклифлар дастурий аҳамиятга эгадир.

Услубий кўрсатмада Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг мазмун моҳияти, ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принциплари, давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш соҳасида амалга оширилган конституциявий ўзгаришлар суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлаш масалалари ёритилган. Услубий кўрсатмада услубий тавсиялар, назорат саволлари, изоҳли луғат, тарқатма материаллар ва слайдлар берилган.

Услубий кўрсатма институтда бакалаврият таълим босқичида Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти фанидан таълим олаётган талабаларга ҳамда ёш ўқитувчиларга мўлжалланган.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ.

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш тушунчаси ва мазмун-моҳияти. Ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципи

Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони туғилди. Қисқа давр ичида давлат ва жамият қурилишида, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди, одамларимиз онгида том маънода янгича қараш ва янгича фикрлаш асослари шаклланди.

И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек модели асосида юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида кенг қамровли ислохотлар бошлаб юборилди.

Демократик давлат тушунчасининг ўзагини “демократия” ташкил қилади. “Демократия” сўзи юнонча “демос” - халқ ва “кратос” - ҳокимият сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “халқ ҳокимияти” деган маънони билдиради.

Ўзбекистоннинг Олий қонунчилик тизимида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерарҳиясининг тепасида туради. Конституциянинг 2-боби “Халқ ҳокимиятчилиги” деб аталади. Бу юнонча “демократия” сўзининг ўзбекчасидир. Конституциянинг ана шу боби демократик принципларга бағишланган.

Демократик давлат фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги ҳуқуқларини амалда таъминлайди, ана шундай иштирок этишга шароит яратади, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла рўёбга чиқарилишини кафолатлайди.

Демократик давлат – давлатнинг тамомила янги тарихий шаклидир. У ижтимоий адолат принципларига, ҳуқуқга, қонунга, конституцияга асосланадиган давлатдир. У халқ учун хизмат қиладиган, унинг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлайдиган давлатдир. Демократик жамият қуриш жараёни кучли фуқаролик жамияти яратишни тақазо қилади.

Демократик давлат – халқ ҳокимиятчилигига асосланган давлатдир. Унда халқ ҳокимияти ўрнатилади.

И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисдаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан парламентни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий нормаларнинг ролини ошириш, мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга тадбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзини тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлашга қаратилган долзарб чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” (1999 й.) асарида мамлакатимизнинг янги асрдаги тараққиёти учун 6 устувор йўналишни белгилаб берди. Унда аввало сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш биринчи устувор вазифа қилиб қўйилди. Бунда сиёсий соҳани эркинлаштириш билан бирга давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилган эди:

- ҳокимият барча тармоқларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;
- нодавлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамиятини босқичма-босқич эркинлаштириш. Бунда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси белгилаб берилди.

Бу масалаларни бевосита амалиётда тадбиқ қилиш учун И.А. Каримовнинг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” рисоласида (2000 й.) 7 та устувор вазифадан биринчи ва иккинчи вазифа қилиб сиёсий соҳада қуйидаги масалалар белгилаб берилди.

Сиёсий соҳада:

- сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;
- кўппартиявийлик муҳитини таъминлаш;
- нодавлат тузилмаларини, фуқаролик жамиятини қарор топтириш;
- фикрлар хилма-хиллигига эришиш, Оммавий ахборот воситаларини том маънодаги “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтариш;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, одамлар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш;

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида:

- ҳокимият органларининг конституциявий асосда бўлинишини таъминлаш;
- маъмурий соҳадаги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш;
- кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, янгилаш тизимини такомиллаштириш;

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи – демократик давлатнинг муҳим шартларидан биридир. Давлат ҳокимиятининг мавжуд бўлиши

давлатнинг асосий белгиларидан бўлиб ҳисобланади. Давлатдаги мавжуд ҳокимият (давлат ҳокимияти) эса маълум принцип асосида тақсимланади. Бу “давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи” деб аталади. Мазкур принципга кўра, давлат ҳокимияти бир-бири билан чамбарчас боғланган ва айни вақтда маълум мустақилликка эга бўлган уч шахобчага бўлинади: Қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти. Ана шу уч ҳокимият давлат ҳокимиятини ташкил этади.

Оммавий ахборот воситалари “тўртинчи ҳокимият” сифатида тилга олинади. Бироқ бу мезон юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган эмас ва мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин ҳам эмас, чунки давлат ҳокимияти фақат қонун чиқаруви, ижро этувчи, суд ҳокимиятларига бўлинишини тақазо этади. Оммавий ахборот воситалари яъни “тўртинчи ҳокимият” мажбурлов органларига эга эмас. Шу маънода, бу тушунча кўчма маънодаги ҳокимиятни ифодалайди.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципининг жамиятда амалда рўёбга чиқарилиши, яъни ҳокимиятлар бўлинишининг амалга оширилиши ҳар қандай давлатнинг демократик хусусиятини белгилайдиган омиллардан биридир.

Ушбу принцип давлат ҳокимияти органларининг мувозанатини ва тенглигини таъминлайди. Мазкур принципнинг оқилона амалга оширилиши орқали давлатда бирор бир орган ёки шахс томонидан диктатура ўрнатилишининг олди олинади, давлат бошқаруви амалга оширилишининг идеал мувозанати таъминланади, давлат органларининг самарали фаолият юритиши учун замин тайёрланади. Ушбу принцип давлат ҳокимияти органларининг келишиб, бир-бирини назорат қилиб ўзаро уйғунликда ишлашига имкон яратади. Шунинг учун ҳам ҳокимиятнинг бўлиниш принципи қарор топиши демократик жамиятга ҳос жиҳатдир.


Ривожланган ва демократия қарор топган давлатларда бўлгани сингари, Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат ҳокимияти учга бўлинган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида қўйидаги ҳукукий норма белгилаб қўйилган: “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”.

2. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган конституциявий ўзгаришлар

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил тадбиқ қилиш, бошқарув тизимини марказлаштиришни чеклаш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ва назорат вазифаларининг ролини кучайтириш бўйича долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган. Ўтган даврда Ўзбекистонда демократик жамиятга ҳос бошқарув тизими шакллантирилди. Шундай бўлсада бу тизим ҳаёт талабларига

мувофиқлаштирилиб, демократик принцип асосларига кўра такомиллаштирилиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ҳокимияти – бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган, муайян тузилмага бирлашган давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органлари тизимидир.



Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимига давлат бошлиғи сифатида Президент, республика ҳукумати сифатида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, марказий давлат бошқаруви идоралари ва уларнинг жойлардаги маҳаллий органлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ва ҳокимиятлар ҳамда уларнинг бўлимлари ва бошқармалари киради.

Кейинги йилларда бошқарув соҳасидаги вазифаларнинг бир қисми республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказилди, маҳалла тизимини шакллантиришга катта эътибор берилди. Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ислохотлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, мамлакатда давлатни идора этишнинг замонавий ва самарали шакли – президентлик тизими қарор топа бошлади. Дунё давлатчилиги тараққиётида давлат бошқарувининг асосан икки шакли - монархия ва республика шакллари мавжуд. Республика, ўз навбатида, парламентар ва президентлик республикаси кўринишларига эга. Президентлик республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 192 давлатдан 142 тасида президент лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти президентлик республикасидир¹.

Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 мартда Олий Кенгашнинг 1-сессиясида таъсис этилди.

Ўзбекистонда президентлик институтини мустаҳкамланишида 1992 йил 8 - декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби “Ўзбекистон Республикасининг Президенти” деб номланган. Мазкур боб 9

¹ Мустақиллик: изоҳли илмий - оммабоп луғат.Т.,Шарқ, 2006, 75-бет.

модда (89-97 моддалар)ни қамраб олган бўлиб, уларда президентликка номзод олдига қўйиладиган талаблар, Президент сайлаш тартиби, Президент қасамёдининг матни, унинг ваколатлари, Президент чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳуқуқий нормалар белгиланган.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан-тўғри, умумий ва муқобиллик асосидаги сайловда президентликка номзод Ислон Абдуғаниевич Каримов учун 8 миллион 514 минг 136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди.

1995 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ваколат муддати 1996 йил декабрдан 2000 йилгача узайтириш масаласи юзасидан умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. 2000 йил 9 январда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Сайловда И.А.Каримов 91,9 фоиз овоз билан ғалаба қозонди. 2002 йил 27 январдги умумхалқ референдуми натижаларига биноан Президентнинг ваколат муддати беш йилдан етти йилга узайтирилди.

2002 йил 27 январдаги умумхалқ референдуми натижаларига биноан Олий Мажлиснинг VIII сессиясида, 2003 йил 24 апрелда “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонун қабул қилинди. Мазкур конституциявий қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими XVIII, XIX, XX ва XXIII-бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи навбатда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари, амнистия эълон қилиш ваколати Олий Мажлиснинг Сенатига ўтказилди. 89-модданинг “Ўзбекистон Республикасининг Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади”. деган 2-хатбошиси олиб ташланди.

Референдум яқунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати 5 йилдан 7 йил қилиб ўзгартирилди.

И.А.Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир” мавзусидаги маърузасида давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа бўлган мамлакат парламенти ва таъсирини кучайтириш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш йўллари белгилаб берди.

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зиммасига Конституция билан юкланган ваколатларнинг амалга

оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтириш, мамлакат Президенти вазифаларини аниқ-равшан белгилаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида 2007 йил 11 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддаси 1-қисмининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Шу ўринда Ўзбекистон Конституциясига киритилган қўйидаги муҳим ўзгаришлар ва қўшимчаларга эътиборни қаратиш лозим

Ўзбекистон Конституциясининг 89-моддаси янги таҳрирда баён этилди: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка парламент фаолиятига оид “парламентдаги кўпчилик” тушунчаси киритилди. Бундан ташқари амалдаги қонунчиликка парламент фаолиятига оид “муҳолифат” тушунчаси ҳам киритилди.

Давлат бошлиғи сифатида Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида етакчи ва мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди. Президент у ёки бу ҳокимият тармоғига кирмайди, балки бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини намоён этади.

Президент Ислон Каримов 2007 йил 11 апрелда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида навбатдаги қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисдаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси мамлакатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан оғишмай янада илдамлаб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу маърузада ўта долзарб аҳамиятга молик бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга

оширилган ислохотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлинишини конституциявий принципини ҳаётга татбиқ этишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга, қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтиришга, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора тадбирларни кўришга қаратилган эди.

И.А.Каримов маърузасида қуйидаги 6 та энг муҳим устувор йўналишни илгари сурди.

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш;
3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш;
4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;
5. Фуқаролик жамияти институтларни шакллантириш ва ривожлантириш;
6. Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

И.А.Каримов ушбу устувор йўналишлар бўйича демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бобида таклифлар берди.

Шундай қилиб, Президент ваколат муддати ўзгартарилди ва унга тегишли айрим ваколатлар Олий Мажлис Сенати ва Бош вазирга ўтказилди. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқариб ташланди, давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга оид, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларига, ҳукумат дастурларига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмаган тақдирда ўзини муҳолифат деб эълон қилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Олий қонун чиқарувчи ҳокимият (Парламент) ҳар бир давлатда ўзига ҳос хусусиятга эга ва турлича аталади (масалан, АҚШда - Конгресс, Швецияда - Риксдаг, Хитой Халқ Республикасида - Халқ вакиллари умумхитой мажлиси). Ўзбекистонда бундай ҳокимият Олий Мажлис деб номланади. Унинг мақоми, тизими, тузилиши, вазифалари, иш фаолиятига оид қоидаларни белгилашда дунёдаги илғор давлатларнинг ва умуман, олий қонун чиқарувчи органни ташкил қилиш бўйича халқаро тарихий тажриба чуқур ўрганилган ва инобатга олинди.

Ўзбекистонда Олий Мажлис айни пайтда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи ҳисобланади, унинг таркибидаги депутатлар халқ мафаатларини ифодалайди. Олий Мажлис 5 йил муддатга сайланади. 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари унга сайланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик

ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги вазифалари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқаруви ҳокимиятини амалга оширади. Парламент қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади. Парламентаризм тажрибаси шуни кўрсатадики, парламент бир палатали ва икки палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида икки палатали парламентлар сони 45 тадан 75 тага кўпайди. Ҳозирги замонда икки палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Парламенти 2005 йилга қадар бир палатали бўлиб, унинг таркибида 1990-1994 йилларда 150 депутат, 1995-2004 йилларда 250 депутат фаолият олиб борди. 2005-2009 йилларда Олий мажлис икки палаталик бўлиб, унинг Қонунчилик палатаси 120 депутат, Сенат эса 100 сенатордан ташкил топди. Жами 220 депутатдан иборат бўлиб келди.

Икки палатали миллий парламентни ташкил қилиш масаласи Президент Ислом Каримов тамонидан 2000 йил 25 майда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида илгари сурилди. "Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентиимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман, яъни биз 2004 йил бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим"¹.

Олий Мажлисининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорига кўра, 2002 йил 27 январда референдум ўтказилди. Шу асосдаги "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

2002 йил 12 декабрда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессияси халқимизнинг хоҳиш иродаси билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисида қарорлар

¹ Каримов, И.А. Озод ва обод Ватан. эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд. Т., Ўзбекистон, 2000. 483-бет.

қабул қилди. Шунингдек, 2003 йил 24 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламент ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий шакллари аниқ белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқ андозалари ва илғор ҳорижий давлатлар талабларига мос янги сайлов қонунчилиги яратилди. Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги, яъни парламент 4 босқичдан иборат тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Биринчи босқич. Конституциямиз қабул қилинган кунга қадар давр бўлиб, бу даврда Ўзбекистон Республикаси президенти сайлови ва референдум тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич, Конституция қабул қилингандан то 1997 йилгача давом этди. Бу даврда миллий сайлов тизими шаклланди.

Учинчи босқич, 1997 йилдан то 2003 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда амалдаги сайлов қонунларига айрим ўзгартиришлар киритилди. Марказий сайлов комиссияси тўрисидаги қонун қабул қилинди.

Тўртинчи босқич, 2003 йилдан то 2005 йилгача бўлган давр. Бу даврда икки палатали парламент шакллантириш билан боғлиқ сайлов қонунларига ўзгартиришлар киритилди. 2004 йил 26 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилди.¹

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик (қуйи) палатаси депутатлар сони 150 нафар, шундан 135 нафар депутат фақат сиёсий партиялардан сайланади. 15 нафар депутат эса Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатидан сайланади. Ваколат муддати 5 йил, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга оширади ва қонунлар ишлаб чиқади.

Бугунги кунда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялар қуйидагича:

1. ЎзЛД Партияси фракцияси - 53(79,5 фоиз) депутати мавжуд.
2. ЎзХД Партияси фракцияси - 32 (48 фоиз) депутати бор.
3. ЎзМТД Партияси фракцияси - 31 (46,5 фоиз) депутати мавжуд.
4. Ўз "Адолат" СД Партияси фракцияси - 19 (28,5% фоиз) депутати бор.
5. Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракати 15 (22,5 фоиз) депутати мавжуд.

Қонунчилик палатаси умумий депутатлари сонининг 33 нафари (22 %) хотин-қизлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати. Сенат сўзи латинча "Senatus", "sinex" сўзларидан олинган бўлиб, ўзбекчада "оқсоқол", "мўйсафид"

¹ Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи .Т., 2004, 11 – 12 бет.

деган маъноларни англатади. Сенат аъзоларининг 15 нафари аёллардан иборат (15 %).

Сенаторлар сони 100 нафар. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари вакилларидан ташкил топган юқори палата – Сенат ҳудудий манфаатларни ифода этади. 84 сенат аъзоси Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 6 кишидан (яъни, 14 та ҳудуддан 6 кишидан), жами 84 нафар депутат сайланади. 16 сенатор Президент томонидан тайинланади: $84+16=100$ сенатор.

Ҳозирги вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида:

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” Социал-демократик партияси фракцияларининг Демократик блоки тузилган ва ишлаб турибди. Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси тимсолида эса парламент муҳолифати фаолият кўрсатмоқда.

2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78,80,93,96 ва 98-моддаларига) ги” Қонуни қабул қилинди. 2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланди ва 19 апрелдан кучга кирди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ваколатлари, Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларига, Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига ҳамда Бош Вазирни тайинлаш тартибига ҳамда ваколатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси) - давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоқларидан бири.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойили мавжуд шароитларнинг ўзига ҳослигини инобатга олиш, жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан ижодий фойдаланиш асосида амалга оширилмоқда. Шунга кўра, ижроия ҳокимият давлат ҳокимияти тизимининг бир тармоғи ҳисобланади.

Қонунлар рўёбга чиқарилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш ижро этувчи органларнинг асосий вазифасидир. Ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ, ижро этувчи ҳокимият, яъни мамлакат ҳукумати Вазирлар Маҳкамасига юклатилади. Одатда ижроия ҳокимият парламентга ўтказилган сайловлардан сўнг камида бир ой ичида шакллантирилади. Вазирлар Маҳкамасининг асосий ҳуқуқий мақоми – унинг мустақил Ўзбекистон ҳукумати эканидадир. Унга, ўз ваколати доирасида, қонунларни ва Президент фармонларини ижро этиш масъулияти юкланган. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарув идоралар

тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви муассасаларига раҳбарлик қилади.

2007 йилда Ислом Каримов илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши - давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мустақиллик йилларида Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижроия ҳокимият - ҳукумат таркиби 4 марта янгидан тасдиқланди. 2010 йил 12 мартда амалдаги Вазирлар Маҳкамаси таркиби белгиланди.

2005 йили Вазирлар Маҳкамаси раҳбари - Бош вазир лавозими жорий этилди. Конституциянинг 89-моддаси биринчи бандидаги Президентга тегишли ваколатлар ижроия ҳокимиятга ўтказилди. Бу ҳолат Франция ва Россия давлатлари Конституциялари нормаларида ҳам мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси қонун, фармон, фармойиш, қарор ижроларини таъминлаш мақсадида махсус қарорлар қабул қилади ҳамда назорат йўли билан бошқарувини амалга оширади, ижро ҳокимиятини таъминлайди.

Умуман, ҳозирги кунда мазкур ислохотларнинг мантикий давоми сифатида ислохотлар чуқурлаштирилмоқда. Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми (лот. эрк, ихтиёр, хохиш) билдириш ҳуқуқи берилди. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколати доирасидан чиқарилди.

Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартиб белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми (сайловчи ташкилот вакиллариининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар) институти жорий қилинди.

Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш институти тугатилди. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилди. Олий Мажлисга сайловларни тайинлаш институти тугатилди ва унинг ўрнига "Сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш" институти жорий этилди. Бу вазифани Марказий сайлов комиссияси амалга оширадиган бўлди.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили Қонунчилик палатасига киритилди. Бу институт сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда қатнашади. Унга тўлдирилган имзо варақаларини текширишда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакили 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди.

Депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди. Яъни 15 депутатлик ўрни оммавий жамоат ташкилоти - Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталарининг кўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилиши, Олий Мажлис палаталари қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилиши, бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқиши борасидаги киритилган таклифлар ушбу йўналишдаги ислохотларни янги босқичга кўтаради. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Бош вазирнинг қарор қабул қилиши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимига номзодлар Бош вазир томонидан тақдим этилиши Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазир ваколатларини ошириб, унинг масъулиятини кучайтиради.

3. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлаш.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасидаги демократлаштириш ҳамда тубдан янгиланиш жараёнлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Мамлакатимизда ҳақиқий маънодаги фуқаролик жамияти қуришнинг қонунчилик базаси изчиллик билан мустаҳкамланмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида катта ўзгаришлар юз берди.

Шуни очиқ тан олишимиз керакки, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш ва аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласини устувор вазифа деб қараш ва шу асосда йўл тутиш, бу жараённи тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви бу шунчаки қонун талабининг юмшатилиши ёки заифлашуви эмас, аксинча қонунларнинг инсонийлик ва демократик асослари мустаҳкамланишидир.

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири – фуқароларда суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан жазоловчи орган эмас, балки шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органлар сифатида қарашни шакллантиришдир.

Республикаимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тамал-тоши бу Асосий қонун – Конституциядир. Конституция давлатимизнинг қонунчилик негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатимизнинг пойдевори бўлади.

Мамлакатимиз Асосий қонуни - Конституция асосида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. 1993 йилда "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши судларнинг мустақил ҳокимият тармоғи сифатида шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита дахлдор

бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади.

Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у ўз функцияси бўйича ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан фарқ қилади. Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан биргаликда мавжуд бўлиши, демократик давлатнинг муҳим белгисидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Судлар тўғрисида"ги қонунлари асосида мамлакатимизда мустақил суд ҳокимияти шаклланди, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатларини янада кенгайтиришга доир ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиши учун замин тайёрланди. Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг янги тармоқлари яратилди. Суднинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилинишни кафолатлашнинг ҳуқуқий меъёрлари такомиллаштирилди.


Ўзбекистон Республикасининг одил судлов органлари давлат ҳокимиятининг мустақил бир тармоғига кирувчи ва қонун устуворлигини таъминлаб, тартибга солиб турувчи органдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборат", деб белгиланган.

Суд тизимидаги ушбу ўзгаришлар 2000 йил 14 декабр куни қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририга кўра, юқорида санаб ўтилган суд тизимига ўзгартириш киритилиб, судлар ихтисослаштирилди, яъни жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман(шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари шу даврда жорий қилинди.

И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасида суд тизimini такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони (ПФ-2682. 2000 йил 14 август) билан умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви, яъни, фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ажратилгани судларда ишларни кўриш ва ҳал қилиш сифатининг ошишига, судьяларнинг профессионаллашуви, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилинишининг янада такомиллашишига сабаб бўлди.

Ушбу фармон талаблари ва республикамизда суд ислохотларини олиб боришнинг янги босқичига ўтилишини таъминлаш мақсадидида 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни янги

тахрирда қабул қилинди. Ушбу қонун умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларининг замон талаблари асосида фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси асосида судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларининг фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадам бўлди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатура институти ҳамда жиноий ишларни либераллаштиришда адвокатларнинг ўрни бекиёсдир. 2008 йил 1 майда И.А.Каримовнинг “Адвокатура тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида адвокатура тузилмалари тубдан кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди, Адвокатлар палатаси тузилди.

2001 йил 30 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди, ушбу қонун асосида жиноятларнинг таснифланиши

ўзгартирилди, ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Бундай ёндашув кўпгина демократик, ривожланган давлатлар амалиётига тўла мувофиқдир.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришлар туфайли озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш имконияти кенгайди. Натижада мамлакатимиз, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахслар бўйича дунёда энг паст кўрсаткичга эга бўлди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида шахс озодлигини чеклайдиган жазо чоралари ўрнига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни рағбатлантирадиган, айниқса, иқтисодий соҳадаги жиноятлар учун жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди.

Жиноий жазо тизимида инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди. Жиноят қонунчилигидан етказилган зарарнинг ўрни қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланишини истисно қиладиган рағбатлантирувчи нормалар киритилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг яна бир муҳим босқичи 2005 йилда амалга оширилди. И.А. Каримов 2005 йил 28 январь куни “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” номли маърузасида “Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мараторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чорасини қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда”¹, деб таъкидлаган эди.

И.А.Каримов томонидан 2005 йил 10 мартда ПҚ-24 – сонли қарор билан тасдиқланган "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепцияси"да жазо тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш ва уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиришда устувор йўналишларни амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2005 йил 1 август куни имзоланган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги фармони суд-ҳуқуқ ислохотларининг жуда муҳим босқичи ҳисобланади. Ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан бекор қилинишининг зарурий хусусияти жиноят содир этган шахснинг жазосини енгиллаштириш ёки бундай шахсларга мурувват кўрсатишдан ҳам кўра кўпроқ айбсиз кишиларнинг гуноҳсиз жазоланиб кетишининг олдини олиш учун ҳам муҳимроқ ҳисобланади.

⁴ Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13 – жилд. Т., 2005 й. 188-бет.

Таъкидлаш лозимки, республикамизда ўлим жазосини чеклаш мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган эди. Жиноий жазо сиёсатини либераллаштириш натижасида қатор оғир жазоларни енгиллаштириш билан бирга ўлим жазосини чеклаш, уни қўллашни қисқартириш тенденцияси кўзга ташланди. Ҳозир амал қилаётган ЖКда (1994 йил, сентябрь) дастлаб 13 турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бундай жиноят таркиблари сонини 8 тага туширди. 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга мувофиқ, бундай жиноятлар сони 4 тага қисқартирилди. Ушбу қонун ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган қилмишлар сонини норматив жиҳатдан камайтирибгина қолмасдан, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ривожланишининг мутлақо янги марраларини белгилади. 2003 йилнинг декабридан эътиборан ўлим жазосини фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун қўллаш назарда тутилди.

Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 15 июнда қабул қилинди, Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланиб, 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини жиноят қонунига киритилишига сабаб бўлди. Ушбу жазо фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани, албатта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди. Халқаро экспертларнинг бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Полшада 5 та, Белгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.

Мамлакатимизда дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. 2005 йил 8 августда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақида"ги фармоннинг

қабул қилиниши Конситуциямизнинг 19 ва 44-моддалари қоидаларини ҳаётга тадбиқ этиш, судни учинчи ҳокимият сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, дастлабки тергов вақтида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтирди.

Бу борада "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципіал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши дастлабки тергов даврида айбланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши имкониятларини кенгайтирди, ушбу жараённинг очиқ, демократик тарзда ҳал қилинишини таъминлади, санкция бериш вақтида ҳимоячи иштирокини таъминлашни янада кенгайтирди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессиясида “Жиноятчи билан ярашув” тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. 2001 йилдан ярашув институтининг киритилиши республикада жиноий жавобгарликка тортилган шахслар сонининг кескин камайишига хизмат қилди. Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллиги ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш назарда тутилган. Ярашув институнининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Назорат саволлари.

1. Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришдаги аҳамияти.
2. Ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш тизими.
3. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни ислоҳ қилишга қаратилган ҳуқуқий нормалар.
4. Икки палатали парламент тизимининг вужудга келиш омиллари.
5. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясининг мазмуни.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ваколат ва функцияларини бошқа давлат органларига ўтказилиши.

7. Фуқарлик жамиятини ривожлантиришда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши.

8. 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижалари ҳамда яқунлари.

9. Профессional парламент фаолиятига оид тушунчалар.

10. Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш масалалари.

11. Жамият ҳаётини ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи.

12. Мамалакатимиздаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади нималарда намоён бўлади?

13. Жиноий жазони либераллаштириш деганда нимани тушунасиш?

14. Санкция қўллаш ҳуқуқининг прокуратура органларидан судларга ўтказилишидан кузланган мақсад нималардан иборат?

15. “Ярашув институти” деганда нимани тушунасиш?

16. Ўзбекистон Республикаси суд тизими қандай судлар тизимидан иборат?

17. “Судьяларнинг мустақиллиги” деганда нимани тушунасиш?

18. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қандай жиноятларни содир этганлик учун қўлланади?

19. Ўзбекистон Республикасининг амнистия тўғрисидаги қарорларини ким қабул қилади?

20. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга ишончсизлик вотуми қачон қабул қилинган ҳисобланади?

21. Олий Мажлис қабул қилган норматив ҳужжатларнинг қўлланилиши учун мажбурий шарт нимадан иборат?

Тест саволлари.

1. Вазирлар Маҳкамаси ... ҳисобланади.

- А. Ижро этувчи ҳокимият органи
- Б. Қонун чиқарувчи ҳокимият органи
- В. Марказий ҳокимият идораси
- Г. Вазирликларни тузувчи орган

2. Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан ...

- А. Фармойишлар чиқаради.
- Б. Фармонлар чиқаради.
- В. Қарорлар чиқаради.
- Г. А ва В жавоблар тўғри.

5. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари ...

- А. Ҳар ҳафта бир марта ўтказилади.

Б. Ҳар ой бир марта ўтказилади.

В. Йилнинг ҳар чорагида, бир марта ўтказилади.

Г. Йилнинг ҳар чорагида, икки марта ўтказилади.

6. Призидентимиз И.А.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни қайси соҳаларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб берилди?

А. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демоклаштириш. Суд - ҳуқук тизимини ислоҳ этиш.

Б. Ахборот соҳасини эркинлигини таъминлаш. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.

В. Фуқоролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Г. Барча жавоблар тўғри.

7. Бош Вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми ким томонидан берилади?

А. Бош Вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Б. Бош Вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

В. Бош Вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Г. Бош Вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Республикаси Призиденти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конуституциявий суди аъзолар умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

8. Фуқоролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қайси қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклифи киритилмоқда?

А. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун.

Б. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари) сайлови тўғрисида"ги Қонун, "Ўзбекистон Республикаси жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун ва "Экологик назорат тўғриси"ги Қонун.

В. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва "Сиёсий партиялар тўғрисидаги"ги Қонун.

Г. А ва Б жавоблар тўғри.

9. Концепцияда илгари сурилган таклифга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш қимнинг ваколатига киради?

- А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг.
- Б. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг.
- В. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг.
- Г. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг.

10. Концепцияда ифода этилган таклифга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақлими?

- А. Фақат фавқулодда ҳолатларда.
- Б. Раислик қилишга ҳақли эмас.
- В. Раислик қилишга ҳақли.
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

11. Ўзбекистон Республикасида Давлат ҳокимияти тизими кетма-кетлигини кўрсатинг.

- А. Ўзбекистон Республикаси Президенти, ижро этувчи, суд ҳокимияти.
- Б. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти.
- В. Ижро этувчи, суд ҳокимияти ва қонун чиқарувчи ҳокимият.
- Г. Қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти.

12. Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича референдум қачон ўтказилган?

- А. 2001 йил 29 августда.
- Б. 2003 йил 27 январда.
- В. 2002 йил 27 январда.
- Г. 2002 йил 27 августда.

13. Қайси йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқарилган?

- А. 2004 йилда.
- Б. 2005 йилда.
- В. 2006 йилда.
- Г. 2007 йилда.

И з о ҳ л и л у г а т.

Вазирлик - Ўзбекистон Республикасида алоҳида тармоқ ва соҳаларни бошқарувчи марказий идора органидир. Масалан, ички ишлар - Ички ишлар вазирлиги томонидан, соғлиқни сақлаш – Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан идора этилади. Вазирликни вазир бошқаради. Янги вазирликлар тузиш, эскиларини бекор қилиш Президент томонидан амалга оширилиб, унинг бу ҳақдаги фармони Олий Мажлисда тасдиқланади.

ВОТУМ – (лот. votum – хоҳиш, ирода) – сайлов жамоаси ёки вакиллик муассасасининг кўпчилик овози билан ифодаланган ёки қабул қилинган фикри

ёки қарори. Масалан, сайлов Вотуми – президент, парламент, муниципалитет ва бошқаларга сайловларда сайлов компаниясининг натижаси. Бошқарувнинг парламентар шаклидаги давлатлар парламенти амалиётида Вотум қоидага кўра, кўйи палатанинг ҳукумат ёки алоҳида вазирнинг сиёсий йўли, муайян хатти-ҳаракати ёки қонун лойиҳасини маъқуллаши (ишонч Вотуми) ёки маъқулламаслигидир (ишончсизлик Вотуми).

Вето - бирор бир ҳукуқий ҳужжатнинг кучга киришини тўхтатиб қўйиш. Бу кўпроқ Парламентда қабул қилинган ҳужжатларга нисбатан давлат бошлиғи томонидан қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис қабул қилган қонунларни, у билан келишмаса, имзоламай, Олий Мажлисга қайта кўриб чиқиш учун қайтариши мумкин.

Давлат бошлиғи - мамлакатдаги бош мансабдор шахс бўлиб, давлатнинг олий вакили. Айрим ҳолларда ижро этувчи ҳокимият ҳам унга тегишли бўлади. Монархия шаклидаги давлатларда давлат бошлиғи монарх (кирол, подшо, император) бўлиб, у наслдан-наслга ўтади. Республика шаклидаги давлатларда давлат бошлиғи Президент бўлиб, у бевосита фуқаролар томонидан сайланиши (Ўзбекистон, Россия, Франция), фуқаролар вакиллари томонидан поғонали асосда сайланиши (АҚШ, Аргентина) ёки Президент сайлаш учун ташкил қилинган орган томонидан сайланиши (Германияда) ёхуд Парламент томонидан сайланиши (Чехияда) мумкин. Президентлик Республикасида президент бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам бошлиғи бўлса, Парламентар республикада у фақат давлат бошлиғи бўлади, ижро этувчи ҳокимиятни бошқа шахс бошқаради. Давлат бошлиғининг ваколатлари Конституцияда белгиланади.

Давлатнинг бошқарув шакли - ҳокимиятни ташкил қилиш олий органларининг ваколатлари, улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ бўлади. Давлатнинг бошқарув шаклини аниқлашда энг муҳим белги - давлат бошлиғининг ҳукуқий мақоми қандайлиги, у давлат бошига қандай йўл билан келиши ҳисобланади. Дунёдаги барча мамлакатлар бошқарув шаклига қараб иккига: республика ва монархияга бўлинади. Республика шаклидаги давлатларда давлат бошлиғи сайланиш йўли билан ҳокимият тепасига келади. Улар маълум муддатга сайланади, яъни ўзгариб туради ва кўп мамлакатларда - Президент деб номланади. Давлатнинг монархия шаклида эса давлат бошлиғи наслдан - наслга ўтади, яъни давлат бошлиғи - монарх ҳисобланади. Улар турли номлар билан аталади, масалан Саудия Арабистонида – подшоҳ, Японияда - император, Англияда - кирол. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг бошқарув шакли - республика ҳисобланади ва давлат бошлиғи Президентдир.

Давлат органлари - давлатнинг вазифаларини амалга оширувчи тузилмалардир. Давлат ҳокимияти алоҳида турдаги давлат органлари томонидан амалга оширилади. Давлат ҳокимиятининг шохобчаларга бўлиниши қонунчилик (вакиллик), ижро, суд органлари бўлиши заруратини туғдиради. Ўзбекистонда давлат органлари қонунчилик (вакиллик) ҳокимияти органларидир. Булар - Олий Мажлис ва халқ депутатлари кенгашлари; ижро органлари - Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва давлат қўмиталари,

ҳокимлардир. Суд ҳокимияти - суд органларидан иборат. Бундан ташқари махсус вазифаларни бажарувчи Прокуратура органлари мавжуд.

Давлат ҳокимияти – халқ ҳокимиятининг махсус тузилма - давлат орқали амалга оширилиши. Давлат ўзининг органлари орқали сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Ҳокимият давлат қўлида тўплангандагина у малакали ва самарали амалга оширилиши мумкин. Давлат ўзига тегишли ҳокимият ёрдамида мажбурлов ва таъсир чораларини қўллайди. Давлат ҳокимияти қонунийдир, яъни давлатнинг, унинг органларининг ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилади.

Демократик давлат - бундай давлатда давлат органларини ташкил қилишда, уларнинг фаолиятида мамлакат фуқаролари турли-туман йўллар орқали кенг иштирок этадилар. Фуқароларнинг давлат органларини ташкил қилишдаги иштироки қонун йўли билан кафолатланади ва уларнинг иштирокига кенг имкониятлар яратилади. Демократик давлатда инсон манфаати, кадр-қиммати, ҳаёти, соғлиги ҳар нарсадан юқори туради. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш чораларини доимий равишда қўриб боради. Давлат фуқаролар назоратида бўлади ва уларга турли воситалар орқали ҳисоб беради. Демократик давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиявийлик оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади.

Депутат - давлат ҳокимияти вакиллик органларида иш олиб боровчи халқ вакилидир. У сайлов йўли билан сайланиб, халқдан тегишли органларда иш олиб бориш учун ваколат олади. Депутатлар маълум муддатга сайланади. Республикамизда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга депутатлар беш йил муддатга сайланади. Олий Мажлис депутатлигига 25 ёшга, маҳаллий Кенгаш депутатлигига 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланади. Депутатликка номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади.

Депутатлик дахлсизлиги - депутатларга ўз депутатлик фаолиятини мустақил, ҳоли олиб бориш имкониятини яратадиган кафолатдир. Қонунларга асосан ҳар бир вакиллик органининг депутатлари, шу вакиллик органлари ва у ваколат берган орган ёки шахс розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамокқа олиниши, ишлаб турган вазифасидан бўшатилиши, паст лавозимга ўтказилиши мумкин эмас.

Депутат одоби - парламент ишида иштирок этишда амал қилинадиган ахлоқий-маънавий нормалар йиғиндиси бўлиб, у орқали депутатнинг қонун чиқарувчи органга, унинг тузилмаларига, бошқа депутатларга муносабати, улар билан алоқаси шаклланади. Депутат одоби фақат ахлоқий нормалар билан белгиланмай, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда қайд қилинган депутатнинг ҳуқуқ ва бурчлари билан ҳам белгиланади. Депутат одобининг бузилиши ижтимоий ва интизомий чоралар қўришга сабаб бўлади. Депутат одобига риоя этилиши устидан назорат парламентда махсус тузилган комиссия томонидан олиб борилади.

Депутат сўрови - депутат ва вакиллик органининг назорат шаклларида бири. Депутат сўров билан сессияларда ижро ҳокимияти органларига,

мансабдор шахсларга ижтимоий характерга эга масалаларга жавоб олиш учун мурожаат қилади. Сўров юзасидан берилган маълумот сессияда муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинади. Сўров алоҳида депутатлар ёки бир гуруҳ депутатлар томонидан берилиши мумкин. У илтимос ва шикоятдан фарқ қилади.

Депутатни чақириб олиш - депутатнинг ваколатини муддатидан аввал бекор қилиш. Депутат Конституция ва қонунларни бузса, депутатлик вазифасини бажармаса ҳар қандай пайтда депутатликдан чақирилиб олинishi мумкин. Чақириб олиш ҳақидаги масала, таклиф депутатни номзод қилиб кўрсатган орган, сиёсий партиялар ёки сайловчилар томонидан кўриб чиқилади. Уларнинг қарори тегишли вакиллик органига юборилади. Қарор муҳокама қилиниб, асосли деб топилса, чақириб олиш учун овоз бериш ўтказилади. Чақириб олиш масалалари, тартиби, овоз бериш "Ўзбекистонда депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида"ги қонун билан белгиланган.

Депутатнинг интизомий жавобгарлиги - юридик жавобгарликнинг алоҳида тури сифатида фақат сайлаб қўйиладиган депутатга нисбатан қўлланилади. Бу жавобгарлик депутат вакиллик органи регламентида белгиланган мажбуриятини бажармаса, депутатлик одоби қоидаларини бузса вужудга келади. Жавобгарликка нисбатан жазо чоралари тегишли ҳужжатларда кўрсатилади.

Депутатнинг ҳуқуқий мақоми - депутатларга тегишли ҳуқуқ ва бурчларнинг қонун билан белгиланган йиғиндиси. Депутатларга маълум ҳуқуқлар берилиши билан бирга, уларга маълум бурчлар ҳам юкланади. Депутатнинг сессияларда иштирок этиши, савол ва сўров бериши, овоз беришда иштирок этиши - уларнинг ҳуқуқи бўлса, сессияда албатта иштирок этиш - унинг бурчи ҳамдир, бундан ташқари депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, белгиланган вақтда сайловчиларни қабул қилиши уларнинг бурчларидандир. Ҳуқуқ ва бурчлар биргаликда депутатнинг ҳуқуқий мақомини билдиради. Депутатнинг ҳуқуқий мақоми махсус қонунда ўз ифодасини топган.

Ижро органлари - ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органларидир. Ўзбекистон Республикасида Олий ижро органи - Вазирлар Маҳкамасидир, у ҳукумат ҳам ҳисобланади ва коллегиял, умумий ваколатли органдир. Ижро органлари турли тармоқ ва соҳаларни идора этади. Республиканинг марказий идоралари: вазирликлар, давлат қумиталари ва бошқалар, улар яккабошлик асосида иш олиб боради. Жойларда ижро этувчи ҳокимиятни ҳокимлар яккабошлик асосида амалга оширади. Жойларни идора этишда у ўзининг тармоқ идора органларидаги бўлим ва бошқармаларига таянади. Масалан, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, маориф бўлими ёки бошқармалари. Ижро органлари тайинлаш ва тасдиқлаш йули билан ташкил қилинади ва улар узини тайинлаган шахс олдида, шунингдек вакиллик органи олдида ҳисоб беради.

Ижро этувчи ҳокимият - ҳокимиятнинг алоҳида тури, у қонунчилик (вакиллик), суд ҳокимиятидан ҳоли, мустақил равишда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади, жойлардаги ижро этувчи ҳокимиятга ҳоким бошчилик қилади. Ижро этувчи ҳокимият ижро органлари томонидан амалга оширилади.

Ижро этувчи ҳокимият бошлиғи - ижро органларининг олий раҳбари. У мамлакат миқёсида – Бош вазир, маҳаллий миқёсда ҳоким бўлади. Конституциявий монархия шаклидаги давлатларда ва парламентар республикаларда мамлакат миқёсида ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи - мамлакат ҳукуматининг бошлиғи ҳисобланади.

Кўппартиявийлик - мамлакатда икки ва ундан ортиқ партияларнинг бўлиши. Бу демократик давлатни характерловчи хусусияти. Мамлакатда бир неча партияларнинг бўлиши, фикрлар хилма-хиллигини таъминлайди. Партияларни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, фаолиятини тўхтатиш, тугатиш махсус қонунлар билан тартибга солинади. Партиялар сафига кириш, чиқиш ихтиёрий. Фақат партиялар қонунга зид равишда ташкил қилиниши, ҳаракат қилиши мумкин эмас. Конституциявий тузумга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши курашишни мақсад қилиб қўйган партия тузиш тақиқланади.

Олий суд - Ўзбекистон Республикасининг Олий суд муассасаси бўлиб, унинг Раиси ва аъзолари Президент тақдими билан Олий Мажлис томонидан 5 йил муддатга сайланади. Унда жиноий ишлар, фуқаролик ишлари, ҳарбий ишлар бўйича ҳайъатлар мавжуд. Олий суд қўйи судларда кўрилган ишларнинг қонунийлигини назорат қилади. Пленумларда судлар учун мажбурий кўрсатмалар беради ҳамда алоҳида аҳамиятли ишларни ўзи биринчи инстанция тартибида кўриб чиқади. Олий судда қўйи судлар қабул қилган ҳукм ва ажримлар бекор қилинади, ўзгартирилади. Ўзбекистон суд ҳокимияти тизимига киради. Олий суд аъзолари депутат бўлиши, сиёсий партияларга аъзо бўлиши мумкин эмас.

Парламент - бу сўзнинг асл маъноси “мунозара жойи”, французча “парле” – гап - сўз бахс, “мент” – жой, ўрни демакдир. Демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номидир. Парламент биринчи марта XIII асрда Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари бир неча мамлакатларда, жумладан, Англия, Франция, Италия, Канада, Бельгияда тўғридан-тўғри парламент деб аталади. АҚШ ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида Конгресс, Россияда Федерал Мажлис, Литва, Латвия, Польшада Сейм деб аталади. Ўзбекистонда эса у Олий Мажлисдир. Парламентни ташкил қилиш тартиби, ваколат муддати, ваколат доираси турли мамлакатларда турлича бўлиб, улар Конституция ҳамда қонунларда белгилаб қўйилади.

Парламент назорати - давлат назоратининг бир шакли бўлиб, кўпрок сиёсий характерда бўлади. Парламент назоратининг таъсир кучи Президентлик ва парламентар республикаларда ҳар хил бўлади. Парламент назорати ҳукумат ва бошқа органларнинг ҳисоботлари, ахборотларини эшитиш, маълум масалани ўрганиш юзасидан махсус комиссиялар тузиш ҳамда ўзининг органлари, депутатлари, қўмита ва комиссиялари фаолияти орқали ташкил қилинади. Парламент назоратида Омбудсман институти алоҳида роль ўйнаб, у фуқаролар

ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. Бундай тузилма Ўзбекистонда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилидир.

Парламентни тарқатиб юбориш - парламентар республика давлатларида, шунингдек, республика бошқарувининг аралаш шаклидаги давлатларда давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги конституциявий механизмнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи (парламентга муддатидан аввал сайловлар ўтказиш) давлат бошлиғига тегишлидир. Бу ҳуқуқни давлат бошлиғи амалга оширсада, қоида бўйича у ҳукуматнинг таклифи билан бўлади. Ўзбекистонда Олий Мажлис (Парламент) унинг таркибида фаолиятига таҳдид соладиган ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёки бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилганда, Президент томонидан, Конституциявий суд билан келишиб, тарқатиб юборилади.

Партиявий тизим - жамият ичида сиёсий фаолиятни шакллантирувчи, ташкил этувчи сиёсий институтлар мажмуасидир. Сиёсий институтлар - бу бир томондан, сиёсий партиялар билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бошқа томондан - партиялар сиёсий тизимининг ижтимоий элементлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлари ифодаси. Давлатларда бир партиявий ёки кўппартиявий тизим мавжуд. Ўзбекистон ҳам кўппартиявийлик тизимига эга.

Суд - одил судловни амалга оширувчи орган бўлиб, муайян давлатнинг амалдаги қонунларига асосан процессуал тартибда жиноий, фуқаролик, маъмурий ва бошқа тоифадаги ишларни ҳал этади. Суд оддий ва фавқулодда судларга бўлинади. Фавқулодда судларни ташкил этиш деярли барча давлатлар конституциясида ман этилган. Оддий судлар умумий ваколатли ва ихтисослаштирилган: яъни ҳарбий, хўжалик (арбитраж, савдо) божхона, солиқ, (молиявий), меҳнат низолари бўйича ва бошқалар бўлиши мумкин. Суднинг алоҳида турлари Конституциявий ва маъмурий судлар ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда ҳатто диний судлар (масалан, мусулмон давлатларида шариат судлари - Эрон, Покистон, Судан ва б.) оддий ҳуқуқ (масалан, Африка давлатларидаги қабила судлари) судлари мавжуд.

Суд тизими - ҳокимиятнинг бўлиниши принципи натижасида вужудга келган ва ҳар қандай бошқа органлардан мустақил равишда амалга ошириладиган давлат ҳокимиятининг бир туридир. Суд ҳокимияти суд органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистонда суд ҳокимияти Конституциявий суд, одил судлов органлари ва хўжалик судлари томонидан амалга оширилади. Суд тизими деб, қонун асосида ташкил қилинадиган ва иш юритадиган суд органларининг йиғиндисига айтилади. Судлар фақат қонунга бўйсунди. Уларни ташкил қилиш тартиби, вазифалари Конституция ва махсус қонунлар билан тартибга солинади.

Суд ҳокимияти – Конституция, давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципига асосан ҳокимият тармоғи бўлиб, у суд органлари орқали амалга оширилади. Улар Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик судидан ташкил топади.

Судьяларнинг мустақиллиги - демократик давлатларда одил судловнинг конституциявий принципи бўлиб, судьялар, халқ маслаҳатчиларининг судлов ишини фақат қонун асосида ҳал этишга асосланади. Судьяларга ва халқ маслаҳатчиларига ташкаридан ҳеч қандай таъсир ўтказилиши мумкин эмас. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирор бир тарзда аралашishга йўл қўйилмайди ва бундай аралашish қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Халқ ҳокимияти - халқнинг ўз хоҳиш-иродасини амалга ошириш усулидир. Демократик мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳокимиятнинг ягона манбаи халқдир. Халқ ўз ҳокимиятини, ўзи сайлаб қўйган ёки тузадиган органлар орқали руёбга чиқаради. Халқ ҳокимияти давлат ҳокимияти орқали сиёсий жараёнга айланади. Агар ҳокимият бирон-бир нарсага эга бўлиш, таъсир ўтказиш, ҳатто мажбурлаш имкониятига эга бўлса, шу имкониятни халқ давлат ҳокимияти орқали амалга оширади. Халқ ҳокимияти - сайлов, референдум, муҳокамаларда иштирок этиш, ўзини ўзи бошқариш органлари каби тушунчалардан вужудга келади. Халқ ҳокимияти халқ суверенитетининг ифодасидир.

Ҳукумат - давлатнинг олий ижро органи. У коллегиячилик принципида иш юритади. Ҳукумат турли мамлакатларда турли номлар билан аталади, баъзи мамлакатларда ҳукумат, баъзиларида Вазирлар Кенгаши. Унинг ташкил бўлиши ҳам ҳар хил, баъзи мамлакатларда уни парламент тузади, баъзиларида Президент тузади. Ўзбекистонда у Вазирлар Маҳкамаси деб аталади. Ҳукумат таркибига Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва аъзолари киради. Республика марказий идораларининг бошлиқлари, яъни вазирлар, давлат қўмиталари раислари ҳукумат аъзолари бўлиб ҳисобланади.

ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР



Мамлакатимизда давлат ҳокимияти субъектлари


Давлат бошлиғи бўлган
Президент (Президентлик
институти)

Қонун чиқарувчи ҳокимият
(Олий Мажлис-Парламент)


Ижро этувчи ҳокимият
(Вазирлар Маҳкамаси)

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан-тўғри, умумий ва муқобиллик асосидаги сайловда президентликка номзод Ислон Абдуганиевич Каримов учун 8 миллион 514 минг 136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди.

**БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ:
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ:
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР**



**БИРИНЧИ УСТУВОР Йўналиш:
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ:
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР**



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Юқори палата (Сенат)

Қуйи палата (қонунчилик палатаси)

Олий Мажлиснинг ваколатлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади

Давлат қурилиши соҳасидаги ваколатлар

Хўжалик соҳасидаги ваколатлар

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги ваколатлар

Бошқарув ва суд органларини тузиш билан боғлиқ ваколатлар

Ташқи алоқалар соҳасидаги ваколатлар

Қонунда белгиланган бошқа ваколатлар

Олий мажлисни шакллантиришда сайлов принциплари

Умумий

Тўғридан-тўғри

3

Тенг

Яширин овоз бериш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Қонун чиқарувчи ҳокимият): 250 депутат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик (қуйи)палатаси

Қуйи Қонунчилик палатаси депутатлар сони 150 та, шундан 135 та депутат фақат сиёсий партиялардан сайланади. 15 та депутат эса Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатидан сайланади. Ваколат муддати 5 йил, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга оширади ва қонунлар ишлаб чиқади.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси қуйидагича:

1. ЎзЛД Партияси 53 (79,5%) депутати мавжуд.
2. ЎзХД Партияси 32 (48%) депутати бор.
3. ЎзМТД Партияси 31 (46,5%) депутати мавжуд.
4. Ўз “Адолат” СД Партияси фракцияси 19 (28,5%) депутати бор.
5. Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатининг 15 (22,5%) депутати мавжуд.


Қонунчилик палатаси умумий депутатлари сонининг 33 нафари (22 %) хотин-қизлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати

Сенаторлар сони 100 нафар. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата – Сенат ҳудудий манфаатларни ифода этади. 84 нафар сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 6 кишидан яъни, 14 та ҳудуддан 6 кишидан), жами 84 нафар депутат сайланади. 16 сенатор Президент томонидан тайинланади: $84+16=100$ сенатор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 77-модда.

Сенат сўзи латинча “Senatus”, “sinex” сўзларидан олинган бўлиб, ўзбекчада “оқсоқол”, “мўйсафид” деган маъноларни англатади. Сенат аъзоларининг 15 нафари аёллардан иборат (15 %).



Суд- ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мақсади, мазмуни ва йўналишлари

Жамият ижтимоий ҳаётида адолатнинг барқарор бўлишини таъминлаш; кишиларни қонун қучи ва ролига бўлган ишончини орттириш; шахс, жамият ва давлат муносабатларида изчиллик ҳамда ўзаро муносабатни таъминлаш

Суд ҳокимиятини том маънода мустақил ҳокимият сифатида фаолият юритишини, қонун чиқарувчи ва ижроя ҳокимияти тармоқлари билан тенг тарзда алоқаларини таъминлаш, судларнинг жамият ва одамлар ўртасидаги роли ва обрусини кўтариш

Судларни жазо берувчи органлар эмас, балки инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш органи сифатида қарашни шакллантириш, уларнинг фуқаролар ҳуқуқини давлат томонидан ҳимоя қилувчи асосий органга айлантириш

Қонун устиворлигини таъминлаш, уларни ижро этиш маданиятини юксалтириш, қонун бузилиши ҳолатларига мурасасиз муносабатни вужудга келтириш жамиятда ҳуқуқий онгни янги поғонага кўтариш.

**ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ:
СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН
ИСЛОҲОТЛАР**



Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи органлар

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан парламент назоратини амалга оширишда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти. У инсон ҳуқуқларини турли маъмурий органлар тажовуздан ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйган. Омбудсман фуқароларнинг мурожаати асосида текширув олиб боради. Ҳуқуқ бузилишини аниқлаб айбдор бўлган органга қонунга ҳилоф бўлган ҳужжатни бекор қилишни таклиф этади агар у бажармаса судга, ёки парламентга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази - инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилувчи, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини оширишга хизмат қиладиган юридик шахс ҳуқуқига эга. У президент томонидан тайинланади.

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

Социал-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар

Асосий бурчлар

Олий суди Пленуми

Олий суди Раёсати

*Ўзбекистон
Республикаси
Олий Суди
органлари*

Ҳарбий ҳайъат

*Жиноят ишлари
бўйича ҳайъат*

*Фуқаролик ишлари
бўйича ҳайъат*

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш тизимли ва изчил олиб борилмоқда

1. Жиноят қонунчилигида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар сони кенгайтирилди (умумий жиноятлар таркибларининг 70 фоизгача)
2. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш имконияти кенгайтирилди (68,1% ҳолатларда озодликдан маҳрум қилиш билан маҳрум бўлмаган жазолар тайинланмоқда)
3. Жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси чиқариб ташланди
4. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган вояга етмаганлар, аёллар ва 60 ёшдан катта эркеклар сони кескин қисқарди (вояга етмаганларга нисбатан бу кўрсаткич 39,7% дан 14,8% камайди)

И.А.Каримов маърузасида қуйидаги 6 та энг муҳим устувор йўналиш

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш;

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш;

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш;

Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш

Тавсия этилаётган адабиётлар

Раҳбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 2012 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Асарлар. 1- жилд. Т., Ўзбекистон, 1996 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 8-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998 йил.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Асарлар, 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1999 йил.
5. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари., Т., Ўзбекистон, 2002 йил.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., Ўзбекистон, 2005 йил.
7. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.Т., Ўзбекистон, 2012 йил.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008
9. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ, эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2012 йил.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т., Ўзбекистон, 2011 йил.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Эргашев И. ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Т., 2005 йил.
2. Бўриева М. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т., ТДЮИ, 2005 йил.
3. Қирғизбаев М. Фуқаролик жамияти институтлари. Т., Академия, 2006 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябр кўшма мажлисидаги “ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” марузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Т., Иқтисодиёт, 2010 йил.
5. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш бўйича маъруза матни. Т., Адолат., 2011 йил.

6. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш. (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси асосида). Ўқув – услубий мажмуа, Т., Адолат., 2011.

Қўшимча адабиётлар

1. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т., 2003 йил. 7-44, 148-210, 263-292, 289-452 -бетлар.
2. Шарифхўжаев М., Шодиев Н. Ўзбекистон - конституциявий давлат. Т., 2003 йил.
3. Рисқиев Т, Ғуломов С., Назаров Қ. ва бошқалар. Истиқлол, демократия ва фуқаролик жамияти. Т.,Шарқ, 2003 йил.
4. Мустақиллик мафқураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. Т.,Университет, 2001йил.
5. Усмонов Қ.Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. Т., Ғофур Ғулом нашриёти, 2004 йил.
6. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т., 2002 йил
7. Буюк ва муқаддасан, мустақил ватан.Т.,Ўқитувчи, 2011 йил.
8. Адилходжаева С.М. Глобализация и стратегия государства. Т.: ТГЮИ, 2007. С., 130 стр.
9. Адилходжаева С.М. Сенат Олий Мажлиси Республики Узбекистан: основные направления деятельности. Т.: «Фан», 2010., С., 190 стр.
10. Азизхўжаев А., Хусанов О., Азизов Х. Конституциявий ҳуқуқ: изохли луғат. Т.: Ўзбекистон., 2006., 583 бет.
11. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи., Дарслик. Тошкент., ТДЮИ., 2009., 1 қисм., 384 бет.
12. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. Т.: Ўзбекистон., 2005., 264 бет.
13. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.: Адолат., 2007., 916 бет.
14. Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Судебно-правовая реформа в Республике Узбекистан: попытка осмысления. Т., ТГЮИ., 2010., С., 458 бет.
15. Хусанов О.Т. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” ги Конституциявий қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига киритилган тузатишларга шарҳлар. Т.: Адолат., 2007., 52 бет.

М у н д а р и ж а

Кириш	3
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ.	
Давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш тушунчаси ва мазмун- моҳияти. Ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципи	4
Давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш соҳасида амалга оширилган конституциявий ўзгаришлар	6
Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлаш	15
Назорат саволлари	21
Тест саволлари	22
Изоҳли луғат	24
Тарқатма материаллар	30
Адабиётлар рўйхати	37

ЭСЛАТМА

ЭСЛАТМА

